

Ҳайқирик.
Давлат тили,
миллат эрки
ва адолат
учун курашган
ҳуқуқшунос
ҳақида



4-бет

Уволнинг
заволи
бор!!!

6-бет



Талаб
бутунлай
ўзгарган,
ўқитувчилар
бунга
тайёرمи?

7-бет



Дунёдаги
энг қиммат
адвокатлар

8-бет



ИНСОН ҚОНУН

3 март 2020 йил / № 08 (1212)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИЛГАН МУРОЖААТ

ТАХРИРИЯТИМИЗГА Денов шахридан Ш.Назаров ва С.Назаровлар мурожаат қилиб, бошқинчилик ва ўғирлик жинояти бўйича участка нозири ҳеч қандай чора кўрмаганидан норози бўлиб, Денов туман ИИБга қилинган мурожаатлари тўлиқ ўрганилмай келинаётгани билдирди.

Тахририятнинг аралашуви билан мазкур ҳолат Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди. Бу ҳақда тахририятга Сурхондарё вилояти ИИБ ФПБ бошлиғи А.Худойбердиев маълум қилди.

Фуқаро Ш.Назаровнинг вазлари юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан идоравий хизмат текшируви ўтказилиб, натижада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги сабабли Денов туман ИИБ ФМБ ХПБ ИИБ ТП профилактика инспектори капитан Қахрамон Абдуллаевга нисбан "Танбеҳ" интизомий жазоси қўлланилди.



Йўлингни йўқотсанг ҳам, элингни йўқотма!

Ёхуд адашган инсон ҳикояси

КАЛАМГА олинаётган ушбу воқеа тўқима эмас, ундаги қахрамонларнинг ҳам беғонаси йўқ, улар орамиздаги одамлардир. Балки ушбу ҳаётий воқеани ўқигач, фарзандлар, яқинлар, қолаверса, ён-атрофингиздаги инсонлар ҳаракатига нисбатан бўлган оғоҳлигингиз янада ортар...

Қорақалпоғистон Республикасининг

Беруний туманида 1994 йилда туғилган Сирож Ходжанов 2013 йилнинг январь ойида ўз ризқини ўзга юртлардан қидириб, ўзига яқин бўлган танишлари билан Россия ўлкасининг Ижевск шаҳрига боради. Сирож у ерда қурилиш ишларида ишлаш бошлайди. Билага кучга тўлиб бораётган йигит ропла-роса уч йил шу жойда ризқ-насибасини топиб юрди. 2016 йилнинг январидан Сирожнинг Россиядаги биринчи сафари қарийди ва у Ўзбекистонга қайтиб келади.

3-бет

13 нафар фуқаронинг ҲИСОБЛАНМАГАН 13 йиллик иш стажини

ФУҚАРОЛАРГА пенсия тайинлашда айрим хатоликлар кўп учрайди. Масалан, ишлаган давридаги маълумотлар, шахсий таркибга оид буйруқ ва иш ҳақи ҳисоблаш китоблари архивга тўлиқ топширилмайди ва сақланмайди, фуқаролар иш стажларини тасдиқловчи иш ҳақи маълумотларини ишлаган ташкилотидан ололмайди ва ҳоказо.



Зафаробод туманида 13 нафар фуқаронинг ҳисобланмай қолган иш стажлари масаласидаги худди шундай мурожаатлари ўрганилиб, қуйидагилар аниқланди.

БТПЖ томонидан РАбриеванинг 2 йилу 11 ой, У.Баянованинг 14 йилу 10 ой, Б.Джапаровнинг 6 ой, Ф.Жайнақованинг 4 йилу 3 ой, А.Муратованинг жами 8 йилу 4 ой, И.Наврўзованинг 5 йилу 11 ой ва яна бир нечта шу каби ҳолатларда фуқароларнинг ишлаган иш стажлари қўшиб берилмаган. Энг қизиғи эса, Улғумуратов Жумабой ўрнига "Улғумуродов Жумат", деб ёзилганлиги боис шу йиллардаги 20 йил иш стажини ҳисобга олинмаган.

Ўтказилган мониторинг натижаси билан 13 нафар фуқаронинг манфаатини кузлаб, маъмурий ишлар бўйича Зафаробод туман судига Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг иш стажини ҳисобга олмастик ҳақидаги қарорларини бекор қилиш ва пенсия тайинлаш мажбуриятини юклаш ҳақида даъво аризалари киритилди. Киритилган даъво аризалари судда қўрилиб, тўлиғича 13 та ҳолат бўйича суднинг қаноатлантирилган қарорлари чикарилиб, фуқароларнинг ҳаммаси бўлиб 113 йилу 8 ой иш стажини қўшиб берилди.

Жаҳонгир ЭШОНҚУЛОВ,
Зафаробод туман адлия бўлими бошлиғи



Шукроналик

Фаргона вилояти Бувайда туманида яшовчи Хувайда момо Умарова ўзининг 125-баҳорини қарши олди. Ҳаётнинг не-не машаққату заҳматларини бошдан кечирган бу аёл жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг (балки дунёнинг ҳам) энг ёши улуг инсонидир. Етти нафар фарзанднинг онаси бўлган момо айни пайтда 32 нафар набира, 70 нафар чевара ва 67 нафар эваралари ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Айниқса, энг тўнғич набираси Жумақўзи ака момони еру кўкка ишонмайди.

— Шукроналик умрни узайтиради, дейди Хувайда момо.

Суратда:

Хувайда момо энг тўнғич набираси — 64 ёшли Жумақўзи Ҳошимов билан.

"Матбуотчи"нинг макрлари Ўзига қимматга тушди

ОЧИГИ бугун тахририятлар турмушига ҳавас қилолмайсиз. Мазкур даргоҳларда юзага келган моддий ва молиявий заифликлар қалам-кашлар турмушига ҳам салбий таъсир ўтказаяпти.

Бироқ бу масалага давлатимиз ва Президентимизнинг эътибори тамомила узгача ва у юртимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳар томонлама жонлантириш, моддий, молиявий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини кўзда тутати. Аммо минг афсуски, орамизда бу эзгу саъй-ҳаракатлардан ибрат олмаган, уни ўзига андаза билмаганлар ҳам бор.

5-бет



Бу ном бир замонлар юртимизда хурлик шабадаси эса бошлаган даврларда “адолат” сўзининг синонимидай жаранларди. Республика ва марказий матбуотда шиддатли ғоявий курашлар кетаётган саксонинчи йилларнинг охирида Файзулла Қиличев имзоси билан кескин чиқишлар бўлганлигини кўпчилик эслайди.

Ёдимда, тилимизга Давлат тили мақоми берилиши борасида адоқсиз муҳорабалар кетаётган кунларда Файзулла Қиличев нафақат тил нуфузини кўтариш, балки ўзбекистонликлар исм-фамилиясининг миллий шаклини яратиш, “-ов”, “-ев”, “-вич” каби насабни билдирувчи қўшимчалардан буткул воз кечишни (таклиф эмас) талаб қилиб бонг урганди. “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасида чоп этилган айна мақолада тилшунослар шайнига ҳам аччиқ сўзлар айтилган эди. Бугунги кун назари билан қаралса, оддий гапдек, лекин ҳали империя кўргони (Кремль) собит турган даврда бундай талаб билан чиқиш ақлга сиғмас кўнгилсизликларни бўйинга олиш билан баробар эди.

Қизиқ жиҳати шундаки, мақола оғир-вазмин ҳуқуқшунос, ўзини тўлиқ идора қила оладиган ёзувчи қалами билан мулоҳаза услубида ёзилган бўлса ҳам мен унинг қатидан буюк бир ҳайқириқ топганман. Мен ўша кунларгача Файзулла Қиличевни таниқли ҳуқуқшунос ва но-зиктаб адиб сифатида билар эдим. Асарларини ҳайратланиб ўқирдим. “Занжир” қиссаси ва замонавий ўзбек детектив жанрини бойитган ўнлаб ҳикоялари ўз вақтида кўлма-кўл бўлиб кетгани кеча-гидай эсимда. “Кичик топағонлар” (1987 йил, “Ёш гвардия” нашриёти) номли китоби кириб бормаган хонадон кам эди. Адабиётшунос эмасман, аммо бу ёзувчининг китобларини “қувиб” ўқиб англаганим шу бўлганки, мантқиқ илмининг бадий ижод қоидаларига бўйсундириб, бетакрор йўл топиш мумкин экан!

Халқимиз тарихининг қора кунлари — “Марказ”дан келган “тартиб ўрнатувчилар”нинг қонунфурушликлари ҳақида юрак ютиб ёзган адибларимиз кўп. Бу, шубҳасиз, миллатнинг бахти. Одамлар бир-бирларига шивирлабгина айта оладиган гапларни бутун бошли миллат тинглайдиган минбардан туриб гапириш, ёзиш қанчалар, жасорат экан-

Ҳайқириқ

Давлат тили, миллат эрки ва адолат учун курашган ҳуқуқшунос ҳақида

лигини тасаввур этиб кўринг. Биз — адабиёт ихлосмандлари ўша бефайз кунларда Ўзбек шаънини ҳимоя қилган адибларимизни чинакам қаҳрамон, деб билардик. Ўша юлдузсиз қаҳрамонлар сафида Файзулла Қиличевнинг ҳам номи бор эди. Унинг “Йўлбарс терисини ёлланган тулқилар” қиссасини эслаш кифоя. Биз асарни муҳокама қилиш асносида бир-биримизга ҳазил қилардик: “Файзулла Қиличев “силаб-сийпалаб” ўтирмасдан бор гапни айта қолибди”. Яна ўзимизча таъриф берардик: “Бу — оддий асар эмас, исёнкор қалбнинг ҳайқириғи”...

Мен Файзулла Қиличев республика миқёсидаги маъсул лавозимда ишлашини кейинроқ билдим. Чинакам профессионал даражасидаги бадий асарларни ёзиш учун одам ўзини ижодга бутунлай бағишлаши лозим. Елкасида долғали даврнинг “ҳуқуқий муаммолари”ни кўтариб юрган одам қандай қилиб “Мўйна пўстин”, “Занжир”дай қиссалар, “Бургут”, “Қўрқув”, “Чалпак ёққан кун” каби ҳикояларни ёзиши мумкинлигидан ҳайратланардим. Кейинроқ, адибнинг мухлислари даврасида яна бир воқеа қулоғимга чалинган. У киши билан манг-лайма-манглай ўтириб гурунқ қилган ўртоғим бу воқеани энтиқиб айтиб берган эди. Тафсилот ва ёзувларимизга учинчи шахсни аралаштирмастик учун айна ораёшимиз Файзулла Қиличев номидан келтирсак, мантқиққа зид бўлмас:

— Бутун СССРда шов-шув бўлган “Ўзбек иши” бўйича ялпи ҳибсга олишлар, терговлар кетаётган ноҳуш кунлар эди. Ўшанда мен Тошкент шаҳар прокурори вазифасини бажарувчи лавозимида хизмат қилар эдим. Республика Бош прокурори креслосида эса Москвадан юборилган Бутурлин, деган жаноб ўтирарди. Бир куни у мени чақириб, кўлимга “Уголовное дело”, деб ёзилган 12 та папка тутқазиб, мана шу одамларни қамоққа олишга санкция берасан, деб буйруқ берди. Мен, аввал танишиб чиқай, кейин санкция бераман, дедим. У дағал оҳангда буйруқни такрорлади: “Йўқ, ҳозироқ санкция

Мен бир неча марта у кишининг суҳбатида бўлганман. Ҳар бир сўзига аниқ маъно юклаб, нишонга бехато урадиган мохир сўз устаси эди. Нежаб-ки, табиатида вазминлик билан зарифлик фаройиб тарзда уйғунлашиб кетганди. Сиртдан дарёдай сокин кўринган бу одамнинг қалбида улкан бир ҳайқириқ яшарди.



Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ли эканлигини исботлайди. У “Биз етмиш йилдан кўпроқ вақт “Иттифоқ”, деган давлат таркибида бўлдик. Ҳуқуқий жиҳатдан олиб қараганда “Иттифоқ” деган давлат бўлиши мумкинми? Уюшма, Иттифоқ, Бирлашма, Блок деган тузилмалар ягона мақсадни кўзлаб фаолият юритиш, деганидир. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Америка давлатлари ташкилоти ва ҳоказо...”, деган соф ҳуқуқий далил билан СССР деган давлат мантиқан мавжуд бўла олмаслигини исботлаб берган эди. Бу — оддий мақола эмас, балки юрак ҳайқириғи эди. Бу — бутун куч ва иродасини йиғиб сўнгги, ҳал қилувчи ҳаммага ташланаётган жангининг жанговар наъраси эди. Дўстларини, аҳли оиласини, миллатини катта бир хавфдан огоҳ қилаётган фидокор инсоннинг ҳайқириғи эди.

Мен бир неча марта у кишининг суҳбатида бўлганман. Ҳар бир сўзига аниқ маъно юклаб, нишонга бехато урадиган мохир сўз устаси эди. Нежаб-ки, табиатида вазминлик билан зарифлик фаройиб тарзда уйғунлашиб кетганди. Сиртдан дарёдай сокин кўринган бу одамнинг қалбида улкан бир ҳайқириқ яшарди.

Файзулла Қиличев бу ҳаётни тарк этди. Ўзи бош кўшган Буюк ишнинг самарасини кўрди, аммо жуда оз. У инсон бугунги авлодга 80-йилларнинг долғали кунлари, шиддатли курашлари ҳақида айтиб бериб, эвазига қарсақлар суронига кўмилиб яшашга ҳақли эди. Лекин назаримда... бундай қилмасди. Сабаби оддий: у жамиятдаги нуқсон билан мураса қилолмасди. У шунчаки муҳораба майдонини ўзгартирарди, холос.

Турдимурод МУСТАФОЕВ,
журналист

берасан! Москвадан келган терговчилар кутиб турибди”. Мен унинг кўполлигига эътибор ҳам бермай қонун юзасидан жавоб бердим: “Йўқ, ўртоқ Бош прокурор, жиноят иши билан танишмай туриб санкция бериш мумкин эмас”. Айтганига кўндиролмагач, хўмрайганча: “Майли, танишиб чиқақол, фақат тезроқ”, деди-да кетишга рухсат берди. Мен туни билан ухламай ўша 12 та “Уголовное дело”ни кўриб чиқдим. Ҳеч қанақа “дело”нинг ўзи йўқ эди. Қўлга илинадиган исбот ёки далилсиз қуруқ айбномалар! Яна кимга денг?! Республикаимизнинг энг билимдон ва обрўли одамлари устидан тўпланган ақлга сиғмайдиган бўҳтон ва игво. Мен ҳам қилишим лозим бўлган ишни қилдим: ҳар бир делонинг устига “нет основания на арест” (ҳибсга олишга асос йўқ) деб ёздим ва 12 та делони Бутурлинга қайтариб бердим. Унинг жазавага тушиб бақаришлари, стол муштраб ўшқирларига парво ҳам қилмадим. “Сен ҳамманг шунақасан! Барингни қамаш керак! Бир-бирларингни ҳимоя қиласанлар!”, деб оғзидан кўпик сачтарарди у.

Эсласангиз, саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб, одамларнинг ғоявий қарашлари ўзгариб, мустақиллик ҳақидаги орзулар тилларга кўча бошлаган эди. Барибир, ҳар қандай шароитда ҳам биринчи сўзни кимдир (ёки кимлардир) айтиши керак. Буни таҳминдан дамба билан тўсилган оқимга ўхшатиш мумкин: сув исён қилади, кўкка сапчий-

ди, кенг водийда яйраб оқиш учун тирқиш ахтарарди. Лекин метиндек дамба қилт этмай тураверарди. Шунда эркталаб бир томчигина сув дамбанинг заиф жойини топади ва шахд билан хурликка отилади. Унинг кетидан эса буюк бир оқим! Мен истиқлол учун қандай курашлар кетганлигини яхши биладиган ва уларни маънан қўллаб турган авлод вакилиман. Ўша шонли кураш йилларида биз “токшоу” шаклидаги телеқўрсатувларни билмасдик: асосий сирдошимиз газеталар эди. Севимли рўзномаларимизни бетоқат титкилаб, миллат ўғлонларининг оташин чиқишларини излардик. Уларга ғойибона маслақдош бўлардик. Файзулла Қиличев ҳам мустақиллик учун курашаётган сафнинг олдинги қаторларида эди. Бир танишимнинг архивида бир газета кўриб қолдим. Бошидан охиригача ютоқиб ўқиб чиқдим. Хаёлан ўша кунларга қайтгандай бўлдим. Нежаб-ки, ўша газетанда (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафтаномаси, 1991 йил, 8 март сони) ҳам Файзулла Қиличевнинг ўзига хос шиддатли фикрлари чиқиб қолди. Ва яна беихтиёр дамба ва эрксевар қатра ҳақидаги мулоҳаза хаёлимга келди.

Дунёнинг одил бир қонуни бор: ҳар ким ўзи яхши билган қуролдан фойдалангани маъқул. “Ёш ленинчи” газетаси (1991 йил 191-сон)да Файзулла Қиличев имзоси билан чоп этилган “Бизга шаҳаншоҳ керакми?” сарлавҳали мақола бу қонуннинг қанчалик адолат-

